Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 178 (3679)
7 ДУШАНБА
АВГУСТ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга оширамиз

Долзарб вазифа

Қишлоқ хўжалигини юксалтириш учун умумхалқ курашига пойтахтимиздаги тўқимачилик комбинати кўп минг кишилик коллективи ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Яқинда комбинат партия комитети йиғилишида КПСС Марказий Комитети июль Пленуми якунлари ва Калинин районидаги «Текстильщик» ҳамда Жиззах областининг Мирзачўл районидаги Абай номли совхозларга оталиқ ёрдамини янада кучайтириш масаласи муҳокама этилди.

Партком бу хўжаликларга оталиқ ёрдами кўрсатишнинг 1985 йилгача бўлган комплекс тадбирлар планини тасдиқлади. Бу тадбирлар ичида хўжаликларга металл, конструкциялар, турли техника воситалари етказиб бериш кўзда тутилган.

Шунингдек, партия комитети совхозларда кўргазмали агитация воситаларини янада бойитиш, лекция ва суҳбатлар уюштириш, оталиқдаги хўжаликларда юксак меҳнат унумдорлигига эришиш, чорвадорлар ишига ҳар томонлама кўмаклашиш тадбирларини ҳам белгилади.



«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аҳил коллективи деҳқонларга УВХ—1,5 «В» маркали кўрак чувиш машиналарини, тўпланган пахтани териб олувчи подборщикларни ва бошқа техникани кўплаб етказиб бермоқда. Бу машиналар пахтакорларимизнинг ҳақиқий ёрдамчилари бўлиб қолди.

СУРАТДА: корхона 5-цехининг слесарлар бригадаси бошлиғи Абдулла Ҳасанов янги кўрак чувиш машинасини созламоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Беш йилликнинг уч йили плани — СССР Конституцияси кунигача

ШУ КУННИНГ ИНТЕРВЬЮСИ

1979 йилнинг февраль ойи ҳисобига

Ўзбекистон кўрлар жамияти нашриёти ва босмахонаси меҳнаткашлари СССР Конституцияси кунини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, маҳсулот реализация қилиш бўйича уч йиллик планни шу йилнинг 7 октябрига қадар бажаришга аҳд қилишганди. Полиграфчилар бу муҳим маррани муддатидан бир ой аввал эгаллашди. Коллектив 1976—78 йиллар топшириғини уддалаганлиги ҳақида яқинда рапорт берди.

БУГУН

нашриёт ва босмахона ходимлари 1979 йилнинг февраль ойи ҳисобига меҳнат қила бошладилар.

—Бу меҳнат муваффақиятига СССР Конституцияси куни ва Улуғ Октябрнинг 61 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш туфайли эришдик, — деди биз билан суҳбатда корхона директори М. Ҳошимов.

Меҳнат унумдорлигини юксак даражада ривожлантиришга, ички резервлардан тўла фойдаланишга асосий эътибор берилди. Қўл кучини талаб қиладиган бир қатор оғир ишлар механизациялаштирилди, тезкор босма машиналари ва бошқа бир қатор механизмлар ишга туширилди. Меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш ишга, ҳар бир иш жойида юксак унумли меҳнатни таъминлашга, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга, интизомни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиши натижасида фақат йилнинг етти ойи мобайнида меҳнат унумдорлиги планидагидан 45 процент ўсди. Матбаачи А. Иброҳимов, муқоваловчи Н. Жукова ва бошқа ишчилар мунтазам юксак суръатда ишлаш билан бирга, аъло сифатли маҳсулот тайёрланишини таъминлашяпти. Улар смена топшириқларини мунтазам 180-190 процент адо этишяпти, яқин кунларда шахсий беш йиллик топшириғини уддалаганликлари ҳақида рапорт беришди. Ишлаб чиқариш илғорлари «Шоғирд мураббийга тенглашсин» шиорига амал қилиб, ўзларининг бой билимлари ва тажрибаларини ёш ишчиларга ўргатишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Коллективингиз амалга оширган асосий ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Коллективимиз «Сўзлайдиган китоблар» чиқараётганликларидан фахрланамиз. Фақат шу йилнинг ўзида Л. И. Брежневнинг «Кичик ер», «Тикланиш» асарларини, Ш. Рашидовнинг «Совет Ўзбекистони» асарини, Ўзбекистон ССР Конституцияси, «Доктор Думчевнинг кашфиётлари», «Ер четидаги булоқ» ва бошқа асарларни кўп нусхада плёнкаларга ёздик. Бу асарлар рус, ўзбек, қирғиз тилларида нашр этилди.

Шу мақсадда махсус буюмлар билан жиҳозланган товуш ёзиб олдиган студия ташкил этилди.

— Корхонанинг келгусидаги ишлари ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Бизнинг асосий вазифамиз, ҳозирги эришилган меҳнат суръатини сақлаб қолишдан иборатдир. Йиллик планни шу йилнинг биринчи декабрига қадар бажариш бўйича мажбурият қабул қилинди. Бу мажбуриятни бажаришга коллектив қодир. Шу йилнинг фақат январь-июль ойларида ишлаб чиқариш графигидан бир ой ўтиб кетдик ва муқобил план ва социалистик мажбуриятлар ҳисобига 20 минг сўмлик маҳсулот бердик. Келгусида биз янада қулайроқ бинога кўчиб ўтамиз. Бу меҳнат унумдорлигини янада ўстириш имконини беради.

• *Халқаро мавзуларда суҳбат*

Гегемонизм тўлқинида

Шу кунларда Пекинда «Сулҳ ва дўстлик тўғрисида» Япония билан Хитой ўртасида шартнома тузиш юзасидан музокараларнинг иккинчи давраси ўтмоқда. Пекин бошлиқларининг фикрича, «гегемонияга қарши биргаликда ҳаракат» тўғрисидаги модда шу шартноманинг асосий моддаси бўлиши керак. Ҳақиқатда эса бунда гап, Токиодаги бир қанча газеталар уқтириб ўтганидек, Японияни маоистларнинг авантюристик антисовет сиёсати доирасига тортишга қаратилган ҳужжат тўғрисида бормоқда.

«Санкэй симбун» газетаси бундай деб ёзади: «Хитой билан тузиладиган шартноманинг кўпгина хавфли жиҳатлари бор ва бу шартноманинг тузилиши оқибатида Япония ўзининг урушдан кейинги дипломатиясида энг ёмон йўли танлаб олиши мумкин. Пекин Японияни ўзининг антисовет стратегиясига жалб этишга уринмоқда ва буни Япония-Хитой шартномасининг асосий мақсади деб ҳисобламоқда».

Хитой дипломатияси кўшни мамлакатга очиқдан-очиқ тазйиқ қилиб, уни антисовет стратегияга асосланган ҳужжатни қабул қилишга мажбур этишга уриниб, айни вақтда Японияга нисбатан қандайдир сермулозамат ҳам бўлиб қолди. Масалан, Пекин яқинда Шарқий Хитой денгизининг чегара районларидаги нефть конларини Япония билан биргаликда ўзлаштиришни таклиф қилди. Бундан ташқари маочилар Япония ҳарбий саноати ходимларидан бир группасини шу йил кузда Пекингга келишга таклиф этди. Шу билан маочилар Япониядан қурол-яроғ сотиб олишдан манфаатдор эканликларини билдирдилар. Улар жаҳонда энг катта савдо фирмаларидан бири — «Мицуи» президентига ўз иқтисодий лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш учун чет эллан қарз олишга тайёр эканликларини ҳам маълум қилдилар.

Пекин ғарбга очиқдан-очиқ хушомадгўйлик қилиб, Вашингтон билан ва умуман агрессив ҳарбий НАТО блоки билан тил бириктирган ҳолда шарқдаги мамлакатларга нисбатан актив ҳаракат қилмоқда. Хитой ҳақиқатда Тинч океан районида, Жанубий-Шарқий ва Жанубий Осиёда шармандали жандарм ролини Қўшма Штатлар билан бирга бажармоқчи бўлмоқда. Унинг мақсади кескинликни кучайтиришдан, кескинликни юмшатишга қарши курашдан, маочиларнинг аллақачонлардан бери орзу қилиб келаётган гегемончилик, экспансионистик муддаолари учун шарт-шароит тайёрлашдан иборат. Шунинг учун ҳам Пекин Японияни ўз ёрдамчисига айлантирмаган тақдирда ҳам, ақалли унинг шартномадаги мажбуриятлар туфайли тамомила қарам бўлган бетараф кузатувчи қилиб қўйишга уринмоқда. Индонезияда чиқадиган «Мердека» газетасининг уқтириб ўтишича Пекин Жанубий-Шарқий Осиё районини традиция бўйича ўзининг таъсир доирасидаги район деб ҳисобламоқда. Пекин раҳбарларининг фикрича, Осиёнинг тахминан ярми «Хитойнинг қўлдан бой берилган территорияси» бўлиб, уни «озод қилиш» керак эмиш.

Ҳозирги вақтда маочи раҳбарларнинг иштаҳаси аввало Хинди-Хитойда очиқ сезилиб турибди. Улар Вьетнамга қарши машъум кампанияни бошлаб, бу ҳаракатга Камбоджани тортдилар, уни Вьетнам Социалистик Республикасига қарши қуроллаштиришга ёрдам бермоқда. Пекин Вьетнамга қарши шу аввалдий ғажоркорликни Вьетнамда истиқомат қилувчи хитойлар — хуацяолар тўғрисида ғамхўрлик қилиш деган сохта шиор остида олиб бормоқда. Шуни айтиб ўтиш керакки, умуман Жанубий-шарқий Осиё регионида хитой миллатига мансуб 14 миллион аҳоли яшайди. Кўпгина мамлакатларда улар кўп сонли ва таъсирли алоҳида гуруҳлардан иборат. АП агентлигининг уқтириб ўтишича, Пекин улардан ўзининг «бешинчи колоннаси» сифатида фойдаланмоқчи бўлади. Хитой уларнинг ёрдами билан шу мамлакатларда ўзининг ички манфаатларини актив ҳимоя қилиб, ҳўжайинларининг корхонани ёпиб қўйиш режаларига қарши чиқаётган кишиларни ишдан бўшатишдир.

Иқтисод ва тежамкорлик — шиоримиз

Ёнилғи ва энергетика ресурсларини тежаб сарфлайлик

Халқимизда «тежалса тоғ бўлади» деган мақол бор. Шу боисдан ҳам Коммунистик партия ва совет ҳукумати хўжалик фаолиятининг бу муҳим соҳасига ҳамиша зўр эътибор бериб келяпти. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг совет халқига Мактубида жамиятимиз нақадар бадавлат бўлса, шу қадар тежамли бўлиши лозимлиги алоҳида қайд этилиб, бу борадаги муҳим вазифалар белгиланган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда халқ хўжалиги зўр эҳтиёж сезаётган қора ва рангли металли, ёнилғи ва қурилиш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш ғоят муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Шаҳримиздаги барча саноат, транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари йил бошида қабул қилган мажбуриятларда тежамкорлик бўйича ҳам вазифалар белгиланган. Коллективлар мана шу мажбуриятларини амалга ошириш йўлида қандай тадбирлар белгилашяпти, бу борада янги ютуқлар, илғор тажрибалар борми? Қуйида бериладиган материалларда ана шу ҳақда сўз юритилади.

ВАЪДАГА ЯРАША



КПСС аъзоси Михаил Михайлович Швайкони «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳамма яхши танийди. Унинг заводда ишлай бошлаганига салкам ўттиз йил бўлиб қолди. М. М. Швайко силлиқловчи-кўпстанокчи мутахассислигини пухта ўзлаштириб олган. У ўз тажрибаларини сидқидилдан ёшларга ўргатади. Жумладан, у, Василий Красновга токарлик мутахассислигини эгаллашда яқиндан ёрдам берди.

Корхона ветерани шахсий тамға билан ишлайди. Мунтазам ўз нормасини 130 процентга етказиб адо этади. Илғор ишчи хом ашё ва электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланади.

СУРАТДА: М. М. Швайко. Р. Заграддинов фотоси.

Тошкент тепловоз депосидаги социалистик мусобақада машинистлар барчага намуна бўлишяпти. Тепловоз машинисти А. И. Матвеев ўрта Осиё магистралининг энг яхши тўрт машинисти билан бирга ўнинчи беш йиллиқда юксак тежамкорлик асосида ишлаб, ҳар йилнинг сўнгги ойида тепловозини тежалган ёнилғи ҳисобига бошқариш ташаббуси билан чиққанди. Ўтган йили у ўз мажбуриятини ортиғи билан бажариб, 20 минг килограмм ёнилғи тежади. Илғор машинистнинг бу йилги ютуқлари ҳам чакки эмас. У йил бошидан бери ўн бир минг килограмм ёнилғини тежади.

Деподаги С. Е. Балюра бошлиқ шаҳар атрофига қатнайдиган пассажир поездлари колоннаси коллективи ҳам тежамкорликда яхши натижаларга эришяпти. Бу коллектив ўнинчи беш йилликнинг зарбдор учинчи йилида 100 тонна ёнилғи тежаш мажбуриятини олганди. Машинистларнинг шу кунгача тежаган ёнилғиси 75 тоннадан ортиб кетди.

ҲАЙДОВЧИ ЗАФАРИ

4-автобус паркининг «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Тельман Абдураҳмонов шу йил 29 июнда ўнинчи беш йиллик топшириғини бажариб, ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлай бошлади. Бу даврда у пландаги 42 минг 80 сўм ўрнига 42 минг 235 сўм даромад келтирди. Бутун иш даврида унинг автобуси бирон марта ҳам техник сабабларга биноан маршрутдан кайтиб келмади. Т. А. Абдураҳмоновнинг бригадаси 25-маршрутда бригада пудрати методида ишлайди.

Бригада бошлигининг айниқса тежамкорлик соҳасида қўлга киритаётган ютуқлари салмоқлидир. Илғор ҳайдовчи нормадаги ёнилғининг ўн процентини тежашга аҳд қилган. Ҳозир у бу ваъдасига амал қилиб, беш йиллик бошидан бери 7500 литрдан ортиқ ёнилғи тежади.

— Тельман Абдураҳмонов ҳар ойда 250 литр ёки 37 сўмлик ёнилғини тежаб қоляпти,— деди биз билан суҳбатда автобус парки директорининг ўринбосари Лазиз Исроилов. —Бу коллективимиздаги энг юқори кўрсаткичдир.

Бригаданинг янги марраси

БУГУН

тажриба ремонт-механика заводи дарвозаси олдида янги «Чақмоқ» пайдо бўлди. Унда технология участксасида меҳнат қилаётган А. Сивенко бошлиқ бригада беш йилликнинг уч йили планини ва социалистик мажбуриятини муддатидан олдин уддалагани ёзилди. Бригадани А. Медвид етакчилик қилаётган бригада аъзолари биринчи бўлиб муваффақият билан табриклашди. Улар ўзаро мусобақадош эдилар.

Социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил бўляпти. Буни ўзаро беллашиш ҳақида шартнома тузган шу икки коллектив мисолида яққол кўриш мумкин. Мусобақа уларга меҳнат жараёнларини ташкил қилиш, тежамкорлик резервларини ишга солишга ёрдам беряпти. Ҳар ўн кунда бригадаларнинг меҳнаткашлари ўзаро беллашувга якун чиқариб тажриба алмашадилар. Айни пайтда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаб оладилар.

А. Сивенко бригадаси коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб. йил охирига қадар яна бир йиллик топшириқни бажариш бўйича оширилган мажбурият олди.

Кичкинтойларга туҳфа

Қўйлиқ 4 турар жой массивининг кичкинтойлари учун туҳфа тайёрланмоқда. Массивда 280 ўринли болалар боғчаси қад кўтаряпти.

БУГУН

«Главташкентстрой» 3-трестининг 15-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бинода сўнгги монтаж ишларини бошладилар. Ана шу боғча қурилиши ниҳоясига етгач, Ленин райони мактабгача тарбия муассасаларидаги ўринлар 5480 тага етади.

Ҳозирги кунда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчиларининг болалари учун Чехов кўчасида ясли биноси қурияпти. Бирлашма ўз ҳиссасидан қураётган ясли 105 кичкинтойни бағрига олади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони бериш тўғрисида

Ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбияларган кўп болали оналарга «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилсин, уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилсин.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1. **Азимова** Арофат Алимовна — ишчига.
2. **Аҳмедова** Мунира — уй бекасига.
3. **Галнаҳметова** Савия Насибуллловна — ишчига.
4. **Ирисматова** Шарифа — уй бекасига.
5. **Эшонова** Роҳатхон — уй бекасига.
6. **Маҳаматжонова** Фотима — уй бекасига.
7. **Нурматова** Масъуда — уй бекасига.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва. Кремль. 1978 йил, 27 июль.

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

☆ Газетанинг бугунги бош мақоласи иқтисодиётнинг муҳим тармоғи — машинасозликни тезкорлик билан ривожлантириш масалаларига бағишланган.

☆ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов 5 августда Петрозаводскдан Ленинградга келди.

Ю. В. Андропов Смольнийда КПСС область комитети бюро аъзолари билан суҳбатлашди, янги турар жойлар бунёд этилаётган районларни, шаҳар чеккасидаги меҳнаткашлар оммавий дам оладиган жойларини кўздан кечирди.

☆ 1978 йил 5 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос—1028» учирилди.

☆ Озодлик оролининг пойтахтида тўққиз кун давом этган ёшлар ва студентларнинг XI Жаҳон фестивали тугади. Бугунги сонда газета муҳбирларининг «Олийжаноб ғоялар тантанаси» сарлавҳали ҳисоботи босилган.

Икки уй тайёр

БУГУН

1-Тошкент уйсозлик комбинатининг 2-қурилиш бошқармаси коллективи Қорасув массивида бир йўла иккита уй-жой биносини фойдаланишга топширди.

Ана шу уйсозлик комбинатининг биринчи ва учинчи қурилиш бошқармалари коллективлари биноларнинг конструкцияларини монтаж қилдилар ва пардозлаш ишларини амалга оширдилар. Бу иккала уйнинг планировкаси ҳозирги даврнинг талабларини инобатга олган ҳолда яхшиланган бўлиб. балконлари ойнавандлидир.

Йил охирига қадар ана шу массивда яна ўнта беш қаватли уй-жой биноси қурилиши мўлжалланмоқда.

ИХТИРОЧИЛАР ҲИССАСИ

«Главташпассавтотранс»га қарашли 4-автопарк коллективи ўтган ярим йил мобайнида пландаги 19 миллион йўловчи ўрнига салкам 20 миллион йўловчига намунали хизмат кўрсатди. Автопарк коллективининг бундай юксак кўрсаткичларга эришишда автопарк рационализаторларининг ҳиссаси катта бўлмоқда. Улар йил бошидан буён 20 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган рационализаторлик таклифларини киритдилар. Бу таклифлардан автобусларни механик усулда ювиб тозалашнинг жорий этилиши катта самара бермоқда. Шунингдек, машиналарга техник хизмат кўрсатиш бўйича махсус линиянинг ўрнатилиши, вулкан аппарат тайёрланиши ремонтчи-слесарлар ишини анча енгиллаштириб, унинг самарадорлигини оширди йўлларини излаб топишмоқда.

Илғор усулнинг шарофати

127-автобазадаги Георгий Мезников бошлиқ бригада коллективининг йил бошидан бери тежаган ёнилғи ва мойлаш материаллари 2000 литр ортди. Бу коллектив бригада пудрати методида ишлаб ярим прицепларни моки усулида алмаштириш методини жорий этиб, транспортнинг бекор юришига деярли мутлақо барҳам берган. Бу ўз навбатида кўплаб ёқилғи ва мойлаш материалларини тежаш, халқ хўжалик юкларини манзилига тез ва соз етказиш имконини бермоқда.

Бригада май ойининг охиридан бери ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишлаяпти. кунлик топшириқларини мунтазам икки баравар ортиғи билан адо этяпти.

Автокорхона даги Юрий Калабин. Анвар Хўжаев. Равил Сулаймонов бошлиқ бригадаларнинг коллективи ҳам халқ хўжалиги юкларини ўз вақтида манзилига етказиб, ёнилғи материалларини тежашда кўпчиликка намуна бўлишяпти.

Йил бошидан бери автобазада 50 минг литрдан ортиқ ёнилғи ва мойлаш материаллари тежалди. Бу мажбуриятда белгиланганидан анча ортиқдир.



«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг илғор ўровчиси Ёқут Мирҳусанова беш йиллик шахсий топшириғини уч ярим йилда бажаришга аҳд қилган. Юксак марра сари дадил интилаётган илғор ишчи смена нормасини мунтазам ортиғи билан адо этмоқда.

телетайп лентасидан

☆ **ХАНОЙ. Вьетнамнинг туз қазиб чиқарувчилари Вьетнам беш йиллигининг учинчи йилида янги муваффақиятларга эришдилар. Давлат йил бошидан буён 354 минг тоннадан зиёд туз олди.**

☆ ЛУСАКА. Замбия ташқи ишлар министри Ситеке Мвале бу ерда шу гапларни айтди: Зимбабве ватанпарварлар фронтининг иштирокисиз Родезияда тинчликка эришиш мумкин эмас. Зимбабве ватанпарварлари ирқчилар режимига қарши қуролли курашда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар Шунинг учун ҳам, деб таъкидлади С. Мвале, ғарб давлатлари «оқ танли аҳолини ҳимоя қилиш» баҳонаси билан ўз қўшинларини Родезияга юбориш режаларини тузмоқдалар.

☆ **САН — ХОСЕ. Коста-Рикада тиришчилик қимматлашиб бормоқда. Мамлакат экономика, саноат ва савдо министрлигининг хабар беришича, шу йилнинг 5 ойи мобайнидагина озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 9 процентдан зиёд ошган. Қанд-шакар, гўшт, тухум, жуда ҳам қимматлашиб кетган.**

☆ ДЕҲЛИ. Ҳиндистонлаги иккита авиакомпания — «Эйр Индиа» ва «Индиан эйрлайнз» компанияларни национализация қилингандан кунга 25 йил тўлди. Бу компанияларнинг шу давр ичида ҳар йили ташиган пассажирлари сони беш миллион кишига етди. Ана шу компаниялар самолётларида ташилган юклар олган фойда йилига қарийб ярим миллиард рупияга етади.

☆ **ҒАРБИЙ БЕРЛИН. Шаҳарда монополиялар билан рақобатга бардош бера олмай, касод бўлаётган майда корхоналарнинг сони ортиб боряпти. Кейинги ўн йил ичида ҳунармандларнинг 14 минг устахонасидан 10 мингдан сал кўпроғи сақланиб қолди. Улардаги ишчилар сони 15 мингдан зиёд қисқарди.**

☆ ПАРИЖ. Париж чеккасидаги «Бабкок» заводида касаба союз активларидан санкиз киши ишдан бўшатилди. Шу муносабат билан Франциянинг энг йирик касаба союз бирлашмаси—Умуммехнат конфедерацияси кескин норозилик билдирди. Умуммехнат конфедерациясининг бу ерда тарқатилган ахборотида бундай дейилган: корхона эгаларининг ана шу тадбирдан кузатган мақсади—касаба союз ҳаракатини ўз раҳбарлигидан маҳрум этишга интилиш, меҳнаткашларнинг манфаатларини актив ҳимоя қилиб, ҳўжайинларининг корхонани ёпиб қўйиш режаларига қарши чиқаётган кишиларни ишдан бўшатишдир.

(ТАСС).

Партия турмуши

УЮШҚОҚЛИК ВА АКТИВЛИК БИЛАН

«ТЕХНОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОММУНИСТЛАРИ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ИЙҒИЛИШЛАРИГА АНА ШУНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШЯПТИ.

Тошкент бошланғич партия ташкилотлари ҳаётида масъулиятли давр — ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш яқинлашмоқда. Тажриба шуни кўрсатяптики, унн муваффақиятли ўтказиш пухта тайёргарлик кўришга боғлиқдир. Шуни назарда тутиб, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети олдинқдан партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш планини тузиб чиқди. Бу планда йиғилишларни ўтказиш муддатлари, цех партия ташкилотлари ва партия группалари етакчилари билан семинарлар ўтказиш, партком аъзоларига йиғилишларни ўтказиш ва тайёрлашга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, деворий газетада ҳисобот-сайлов кампаниясининг боришини ёритиш кўзда тутилган. Бугун «Технолог» бирлашмаси партия комитетининг секретари Л. А. Игнатьев бу катта, кўп қиррали иш тажрибалари билан ўртоқлашади.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида биз ташкилий-партия вий ишлар кабинети ва унинг методик советига коммунистларга методик ёрдам кўрсатиш маркази сифатида муҳим вазифалар юклаймиз. Кабинетнинг асосий вазифаси партия комитетига актив кўмаклашиш, цех партия ташкилотлари секретарларига ва партия группаси ташкилотчиларига ташкилий-партиявий ишларнинг сифати даражасини оширишда актив ёрдам беришдир.

Кабинетда партия ташкилотимиз структурасини акс эттирган, бирлашма коммунистлари сафи ўсишини кўрсатувчи диаграммалар бор.

Партия комитети, партия бюролари активистларига, аъзоларига, партия группаси ташкилотчиларига ёрдам тариқасида йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тажрибаси, ишларни перспектив планлаштириш, КПСС сафига қабул қилиш, маъмурият фаолияти устидан назорат қилиш комиссияси иши ва бошқалар тўғрисида алоҳида папкаларда материаллар тўпланган.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида эсдалик ишлаб чиқилган. Унда навбатдаги йиғилишлар ҳақида коммунистларни хабардор қилиш, барча коммунистларнинг йиғилишларда иштирок этишларини таъминлаш, партия группаси ташкилотчиси ва партия бюроси секретари ҳисобот докладининг тахминий плани ва ҳоказолар бор.

Шу кунларда цех партия ташкилотлари ҳисобот ва сайловларга конкрет тадбирларни тузиб, ниҳоясига етказишяпти. Юқорида айтилганларга илова қилиб бир цех партия ташкилоти — конструкторлик хизмати партия ташкилоти фаолиятидан мисоллар айтиб ўтмоқчиман. Бу ерда икки бўлимдан иборат конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Партия группаларида йиғилишларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, кейинроқ эса барча хизмат партия ташкилотларида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тадбири ишлаб чиқилди. Йиғилишни ўтказиш кунлари маълум. Коммунистлар ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик юзасидан биркитилган участкаларга масъул бўлган коммунистлар номи қайд этилган. Партия бюросининг секретари Н. Костяев ҳар бир коммунистнинг йиғилишга тайёргарлик кўришга, бу ишдан четда қолмаслигига интилмоқда.

Маълумки, партия бюросининг бир йиллик иши ҳақида ҳисобот докладида коммунистларнинг ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда, иш самарадорлиги ва сифат учун курашда, социалистик мусобақада иштироки, шунингдек ташкилий-партия вий, сиёсий-тарбиявий ва коллектив ўртасида маданий-оммавий ишлар, жамоат ташкилотларига партиявий раҳбарлик масалаларидан иборат жуда ранг-баранг масалалар қамраб олиниши керак. Докладда ўтган сабоқлар ҳисобга олиниши, олдинда турган вазифалар белгилаб берилиши керак. Ёркин мисолларга бой, ишончли фактлар асосига қурилган бундай докладни фақат коллектив бўлиб тузиш мумкин. Партия бюроси коммунистлардан Г. Соболев, Ю. Хошев, Ф. Костин, Ю. Подлипновларга доклад тайёрлашни топширди. Уларнинг вазифаси партия ташкилотининг барча иш участкаларидаги аҳволни ўрганиш, материалини тўплаш ва синчиклаб умумлаштиришдир. Бу коммунистларга йиғилиш қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳам топширилди. Ишнинг аҳволини таҳлил этган коммунистларнинг партия бюросининг ҳисобот давридаги иши тўғрисида олдиндан хулоса чиқариши жуда ўринлидир.

Конструкторлик хизмати партия ташкилотида ишнинг у ёки бу соҳасига масъул бўлган айрим коммунистларга йиғилишда ўз фикрлари билан сўзга чиқишни маслаҳат бериш зарур деб ҳисоблашмоқда. Бунда кўпгиллилик принципига амал қилинади. Шундай қилиб, йиғилишда биринчилар қаторида сўзга чиқадиганлар рўйхати тузиб бўлинди.

Партия бюроси секретари Н. Костяев коммунистларнинг тажрибали етакчисидир. У ҳисобот-сайлов йиғилишига тайёргарлик кўришда майда иш йўқлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам йиғилиш тўғрисида коммунистларни хабардор қилиш ҳақида шахсан ўзи ғамхўрлик қилмоқда. У ҳисобда турган пенсионерларни ҳам йиғилишга таклиф қилишни унутгани йўқ. Маъмурият билан йиғилиш куни коммунистларни хизмат командировкасига юбормасликни келишиб олди. Ҳисоб комиссияларининг протоколлари намуналари, овоз бериш учун бюллетенлар варақалари ҳозиридан тайёрлаб борилмоқда.

Биз тушунамизки, ҳисобот-сайлов йиғилишини муваффақиятли ўтказиш унинг қатнашчилари онги ва қалбида чуқур из қолдиради, коммунистларни тарбиялашнинг ҳақиқий мактаби бўлиб қолади. Йиғилиш КПСС аъзолари эътиборини ҳал этилмаётган масалаларга, коллективнинг жанговарлигини ошириш масалаларига қаратади, коммунистларни меҳнатда янги муваффақиятлар сари руҳлантиради. КПСС Марказий Комитети июль (1978 йил) Пленуми қарорлари бизда худди шуни талаб қилмоқда. Бирлашмамизнинг барча коммунистлари ва бутун коллективи қишлоқ хўжалигини интенсив механизациялаштириш ва индустриаллаштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Л. ИГНАТЬЕВ,
«Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

ЁШЛАР ҒАЙРАТИ

Тошкентдаги кўн-галантерея фабрикасининг Арофат Холмуҳамедова бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номни тасдиқлади: бригада корхонада биринчи бўлиб, техника жиҳатдан асосланган янги тармоқ нормалари бўйича ишлашга ўтди. Бригадада 38 нафар йигит ва қиз бўлиб, уларнинг ҳаммаси комсомоллардир. Ёшлар ишнинг дастлабки ойидаёқ беш йилликнинг ёш гвардиячилари учун бу марра ҳам чегара бўла олмаслигини кўрсатдилар. Бригада ой давомида планда белгиланган 18 минг ўрнига 22 мингдан кўпроқ чарм қўлқоп ишлаб чиқарди.

Бригадада шундай бир яхши анъана бор: коллективга келиб қўшилган янги ишчини тажрибалироқ ходимга бириктириб қўйиб, унга дарҳол икки, баъзан эса уч операцияни бажариш ўргатилади. Бир йилдан кейин эса у бригаданинг ҳар қандай аъзоси ўрнини боса олиши лозим. Фабрика комсомол комитетининг аъзоси Манзура Қодирова ва у оталиққа олган Муфазат Холматова яқинда ана шундай мазмунда рапорт бердилар.

Сўнгги йилларда бригада смена топшириғини бажармаган ҳоллар бўлмади. Яқинда эса комсомоллар «Мажбуриятни ҳар куни бажарамиз!» деган янги шиорни ўртага қўйдилар.

Ф. РАСУЛОВ.



Фарида Утапова кўп йиллардан буён шаҳримиздаги кўн-галантерея фабрикасида фидокорона меҳнат қилиб келяпти. Унга коммунистик меҳнат зарбдори унвони берилган. Фарида Утапова шу кунларда смена топшириқларини 120—130 процент бажариб, фақат аъло сифатли буюм тайёрламоқда.

СУРАТДА: Фарида Утапова.

И. Шоисғомов фотоси.

Конвейерда янги маҳсулот

Наманган галла маҳсулотлари комбинатининг конвейеридан 1—5 кунлик бройлерлар учун мўлжалланган омухта емнинг дастлабки туркуми тушди. Омухта ем таркибида кўп миқдорда витаминлар, жўжаларни касалликлардан сақлайдиган антибиотиклар, уларнинг тез ўсишига кўмаклашувчи бошқа моддалар бор. Бу йил корхона беш юз тонна ана шундай озуқа ишлаб чиқаради.

(ЎзТАГ).

✦ КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ТАВСИЯСИГА КЎРА

«Ташсельмаш»нинг пайвандлаш-йиғув цехида янгилик пайдо бўлди. Эндиликда пайвандловчилар машина рамаларини, бошқа қўпол узелларни конвейерда ҳар сафар чоклагандан сўнг уни буришларига эҳтиёж қолмайди. Улар учун бу ишни манипулятор бажаради. Айни маҳалда цех ишчилари, газ тортиш учун автомат қурилмаларга эга бўлдилар.

Шу билан машинасозлар меҳнат шароитларини яхшилаш, қўл меҳнатини тугатиш борасидаги тадбирларнинг муҳим моддаларидан бири бажарилди. Бу иш доимий ишловчи ишлаб чиқариш кенгаши аъзоларининг тавсиялари бўйича ва уларнинг актив иштирокида қабул қилинди. Шу кенгашнинг ташаббуси билан механизация бўлими ҳузурида муҳофаза қурилмаларини лойиҳалаш ва тайёрлаш учун ишлаб чиқариш базаси бўлган махсус конструкторлик группаси вужудга келтирилмоқда. Тортувчи вентиляция, намлатиш камераси, иш ўрнини чанг ва булғанишдан муҳофаза қилувчи турли қурилмаларни такомиллаштириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Цехларда, корхонанинг ҳамма территориясида йўл белгилари қўйиб чиқилмоқда, тракторлар ва электрокарларда чироқ ва товуш сигналлари ўрнатилмоқда. Булар завод ички транспорти ҳаракатини тартибга солишга ёрдам беради.

Самарали ҳамкорлик

У Л А Н-БАТОР. Флюорит — металлургия ва химия саноати учун муҳим хом ашё ҳисобланади. Шу йилнинг биринчи ярмида Монголия конларида флюорит қазиб чиқариш 1977 йилнинг шу давридагига нисбатан 32 процент кўпайди. Биргаликда иш кўраётган «Монгол-Совцветмет» Монголия-Совет хўжалик бирлашмасининг ташкил қилинганлиги туфайли МХРда ана шу қимматли минералнинг жуда кўп конлари кенг кўламда қазилмоқда.

Бирлашма кончиларининг интернационал коллективи Монголия табиий бойликларини саноат йўли билан ўзлаштириш соҳасида олдинда бормоқда. «Монгол-Совцветмет» корхоналарида ишлаб чиқариш программаларини амалга оширишда юқори кўрсаткичларга эришилди. Кейинги уч йил мобайнида пландан ташқари 17 миллион тугриклик маҳсулот реализация қилинди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

МЕТАЛЛУРГЛАР ЮТУРИ

БУХАРЕСТ. Румнияда етакчи корхоналардан бири бўлган Галац металлургия комбинати ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштирмоқда. Бу ерда йил бошидан бўён топшириққа қўшимча равишда 3 минг тонна чўян ва 6 минг тонна пўлат эритилди, пландан ташқари 50 минг тонна металлургия агломерати тайёрланди. Галац меҳнаткашлари бу муваффақиятга асосан ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, қурилмалар ва агрегатларни ўз вақтида профилактик кўрикдан ўтказиш ва ремонт қилиш туфайли эришдилар.



ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Бу йил мамлакатдаги ўн минглаб оила шинам ва чиройли уйларга кўчиб ўтди.

СУРАТДА: Капошвере шаҳрида бунёд этилган замонавий бинолар. Бу ерда ҳозир янги турар жой районини бунёд этиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

МТИ—ТАСС фотоси.

Альдо Моро нима учун ўлдирилган?

РИМ. Ҳукмрон христиан-демократик партия миллий кенгашининг раиси Альдо Моро қандай ўғирланганлиги ва ўлдирилганлиги ҳали – ҳам Италия жамоатчилиги ва матбуотининг эътиборини жалб қилмоқда. Яҳши хабардор «Панорама» ҳафтаномасининг маълумотларига қараганда христиан-демократик партия аъзолари шу партиянинг раҳбари энг ашаддий фитна қурбони бўлди. Бу фитна АҚШнинг иуфузли иқтисодий ва ҳарбий доиралари иштирокида давлат департаменти ва Пентагоннинг назорат қилинмайдиган баъзи секторлари томонидан уюштирилган деган қатъий фикрга келмоқдалар. Маълумки, давлат департаменти ва Пентагон Италия Коммунистик партияси вакилларини ҳукумат составига ўтказмаслик учун ҳеч нарсадан қайтмаяпти.

«Панорама» христиан-демократик партия миллий кенгашининг янги раиси Ф. Пиколле томонидан ёзилган ва АСКА агентлиги томонидан тарқатилган мақолани эслатиб ўтади. Шу мақолада Моро АҚШ таъсиридаги «назорат қилинувчи эркинлик» исканжаларидан Италияни қутқаришга интилган ва шунинг учун қурбон бўлган сиёсий арбоб эди, дейилади. А. Морони ўлдириш мақсадида халқаро фитна ташкил этилган бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги тахминни ички ишлар министрлигининг собиқ ўринбосари Г. Даамберлетти ҳам айтди.

«Панорама» А. Морога яқин кишилардан олинган маълумотларга асосланиб, хабар қиладики, А. Моро ўғирланмасдан бироз олдинроқ унга сиёсий фаолиятни тарк қил деган мазмунда тазйиқ ўтказилган эди. Христиан-демократ и к партиясининг доиралари бундай тазйиқ АҚШга яқин доиралар томонидан қилинган эди, деб ҳисоблашмоқдалар. А. Моро коммунистларни ҳам ичига оладиган ва кўпчиликни ташкил этган янги ҳукмрон группа тузишга тайёрланаётган бир пайтда, деб ёзади «Панорама» уни «Локхид» ишига «алоқадор эди» деган ноҳақ гаплар билан айблай бошлаган эдилар, бу ноҳақ гапларни америкаликлар дангал қувватламоқда эди.

Ҳафтаноманинг уқтириб ёзишича А. Моро билан АҚШ раҳбарлари ўртасидаги муносабатларда тўла ишонч йўқ эди. 40-йилларнинг охирида А. Моро Атлантик пактга қарши чиққан эди, у христиан-демократик партиянинг баъзи раҳбарлари Америка элчихонасининг хизматчилари билан икки томонлама «алоқаларда» бўлаётганликларини маъқулламаган эди. АҚШнинг ўзида ҳам унга ниҳоят даражада ишончсизлик билан қарар эдилар. деб ёзади «Панорама».

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

МАПУТУ. Ноганнесбургда апартеидга қарши ҳаракат активларининг бир группаси устидан навбатдаги суд ўтказилмоқда. Ирқчи судялар 11 кишини суд қилмоқда. Бу кишиларга 16 июнда — Жанубий Африка полицияси Ноганнесбург яқинидаги Соуэтода африкаликлар нинг тинч намойишдан қонли ўч олганлигининг иккинчи йиллиги кунида ирқчиларга қарши чиқишларни уюштирди деб айб қўйилмоқда.

Ҳамиша бўлганидек суд террорчиликка қарши кураш тўғрисидаги машъум қонунга амал қилади. Бу қонун беш йил қамоқдан тортиб то қатл этилгунга қадар жазолашни кўзда тутади.

ЖАКАРТА. Индонезиндаги Кракатуа вулқони тобора активлашмоқда. Зонд бўғозидаги Кракатуа оролари группасида жойлашган бу вулқон уйғонганига уч ҳафта бўлди. Ўшанда унинг кратерларининг биридан қуюқ тутун қурум ва қизиган газ отилиб чиққан эди. Бу нарса атрофдаги районларнинг аҳолисига 1883 йил августида юз берган фалокатни яна эслатди. Ўшанда Кракатау отилиши натижасида 36 мингга яқин киши ҳалок бўлган эди. Кеча вулқон кратеридан кучли аланга отилиб чиқди. бу аланга 45 километр масофадан кўринди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

ПРАГА. Словакиянинг Войяна шаҳрида нефтни қайта ишлайдиган янги завод ишга тушди. Бир йилда 2 миллион тонна хом ашёни қайта ишлаш учун мўлжалланган бу корхона республика халқ хўжалигига мойларнинг ҳар хил турлари, дизель ёқилғи ва бензиннинг махсус сортларини етказиб беради.

Бу ерда беш йил мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 40 процент кўпаяди.

ИҚТИСОДИЙ ФОНДА

БУДАПЕШТ. Дорог кўмир ҳавзаси рационализаторларининг шахсий ҳисобига ҳар йили 500 дан кўпроқ рационализаторлик таклифлари ва такомиллаштиришлар ёзиб борилади. Ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини оширишда инженерлар билан ишчиларнинг маҳкам ҳамкорлиги, шахтерлар партия ва касаба союз ташкилотларининг ихтирочилар ва рационализаторлар фаолиятига катта эътибор бераётганлиги ҳавзадаги корхоналарда ижодий муҳитни вужудга келтиришга ёрдам бермоқда.

ВХР новаторлари ҳар йили 70—80 минг та рационализаторлик таклифларини киритмоқдалар. Ана шу таклифларнинг бутун халқ хўжалиги миқёсида ишлаб чиқаришга жорий этилиши бир йилда 4 миллиард форинт иқтисодий самара келтирмоқда.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

БЕРЛИН. ГДР мелиораторлари ўтган олти ой мобайнида республиканинг энг қуруқчил районларида 16.5 минг гектар майдонда янги суғориш системаларини вужудга келтирдилар, ёмғирлатадиган «Фрегат» типидаги 50 та қурилма ўрнатдилар. Бу қурилмаларни қардошларча ёрдам доирасида Совет Иттифоқи етказиб бермоқда.

Франкфурт-Одер яқинидаги Одербруч районида республикада энг йирик бўлган суғориш комплекси барпо этилмоқда. Бу комплекс келгусида Берлин учун асосан ҳўл сабзавот етказиб берадиган бўлади.

Ҳозирги вақтда Магдебург, Потсдам, Лейпциг ва Галленинг қишлоқ районларида ер ости сув манбаларини кидириш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

Котбус округининг мелиораторлари эса бир йилда 50 минг бош қорамолни парвариш қилиш учун мўлжалланган «Шпреевальд» деб аталган жуда катта чорвачилик комплексини озуқа базаси билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиб бериш йўлида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

✦ МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

ДОВОН ОШИБ

Тўқимачилик ва енгил саноат институтининг биринчи ва иккинчи курс студентларидан ташкил топган Охунбобоев номли қурилиш отряди жангчилари баракали меҳнат қилишмоқда. Ёлар индустриал техникуми янги биносига жило бериш ишларида «Пардозлаш» трестининг 34-қурилиш бошқармаси пардозловчилари сафида ғайрат кўрсатишди. С. Эргашев, М. Сатторов каби студентлар бажарган ишлар сифати кўзни қувонтиради. Шунингдек, янги автоматтелефон станцияси биносини пардозлашда Абдулла Насриддинов бошчилигида ёшлар қатнашишяпти. Улар 31-қурилиш бошқармаси қурувчилари билан ёнма-ён туриб ишлаяпти.

Шуни айтиш керакки, бу йил меҳнат семестрида институтнинг 1100 студенти қатнашмоқда. Булардан 600 киши бўлажак касблари бўйича саноат корхоналарида ишлаб малака оширишмоқда. Қолган 500 студент эса қурилиш отрядларига бирлашишган. Жами 13 отряд тузилган бўлиб, уларнинг жангчиларн шаҳримиз бунёдкорлари сафида. Олтой ўлкаси ва Новгород областидаги зарбдор қурилишларда қатнашяптилар. Уларнинг кучи билан 1 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштириш планлаштирилган. Ҳозиргача эса 600 минг сўмликдан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди.

Институтнинг энг яхши жамоатчи ва аълочи ёшларидан 15 киши меҳнат семестрини Польшанинг Лодзь шаҳрида ўтказиш шарафига муяссар бўлди. Ўз навбатида Лодзь политехника институтидан келган 15 студент тўқимачилик ва енгил саноат институти ёшлари билан биргаликда ишлашди. Улар 25 минг сўмлик иш бажаришди. Шунисн қувончлики, қурилиш майдонларида икки мамлакат ёшлари ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилдилар. Айниқса қурилиш касблари бўйича ўтказилган конкурслар қизиқарли бўлди. Голибларга фахрий ёрлиқлар ва эсдалик нишонлари топширилди. Жумладан, меҳнат семестрида яхши қатнашган Тамара Улугова, Павел Ватманов, Эркин Сиддиқов каби ёшлар польшалик дўстлари билан биргаликда иттифоқимизнинг турли шаҳарларига сафарга чиқишади.

М. МУРОДОВ.



Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденли Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг бош конвейеридан ҳар куни кўплаб «Узбекистон» маркали пахта териш машиналари туширнб олинмоқда. Ҳозир 22-йиғув цехида иш қизғин.

СУРАТДА: цех ишчилари навбатдаги машинани йиғишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Шаҳар мавзуида*

ЯНА „ГАРАЖЛАР ПРОБЛЕМАСИ“ ҲАҚИДА

Мамлакатимизда автомобиль паркларини йил сайин тез суръатлар билан ўсмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари ва кузатишларига қараганда 1980 йилга борнб мамлакатда ҳар минг кишига 45 та автомобиль тўғри келади. Ўзбекистон пойтахтида эса автомобилларнинг йиллик ўсиши 10— 12 мингни ташкил этмоқда. Шу муносабат билан гаражлар муаммоси актуал проблемалардан бири бўлиб қолди.

Бу проблема қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида гапириб беришни биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси давлат автоинспекцияси бошлиғи, милиция подполковниги М. Салоҳиддиновдан илтимос қилдик.

— Хусусий автомобилларнинг бир қисми кўпинча район ижроия комитетлари рухсатисиз архитектура, ёнгинга қарши ҳамда санитария нормаларига риоя этилмаган ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган гаражларда сақланмоқда. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги турар жойлар ёнида. шунингдек аҳоли дам олиши учун ҳамда болалар спорт майдончалари учун мўлжалланган жойларда ўрнатиб қўйилган. Бу гаражларда бориладиган йўллар ҳам жуда ноқулай ҳолдадир.

Шунинг учун ҳам Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети бундай гаражларни кўчириш тўғрисидаги қарор қабул қилганлиги бежиз эмас. Тўр билан тўсилган ўсти очиқ машина қўйиладиган жойлар кенг оммалашмоқда. Ана шу қарорга кўра бундай гаражлар асфальтланган бўлиши, ёритилиши, ободонлаштирилган кириш йўллари билан таъминланган бўлиши шарт. Хусусий автомобиллар бундай ўсти очиқ гаражларда ғилофларда сақланади.

Айрим автоҳаваскорлар машиналарни бундай сақлаш уларга ёмон таъсир этади, деб ўйлайдилар. Бу тўғри эмас. Ўсти енгил ёпилган айвонларда ёки очиқ майдонларда ғилофда сақланаётган машиналар, айниқса иқлим шароити мураккаб бўлган жойларда ҳам ўзини оқлади.

Кўпчилик шундай савол беришади: «Нега очиқ гаражлар қилинади? Ахир ҳудди шу жойда ўсти ёпиқ гаражлар қилиш мумкин-ку?» Бу шунинг учун ҳам мумкин эмаски, бир-бирига ўхшаган, ташқи кўриниши бир-бирига мувофиқ ўзбошимчалик билан қурилган гаражлар бузиб ташланиши керак. Бунинг учун ЖЭКларнинг маъмуриятлари ҳамда «Ўзбекистон ССР автомотоҳаваскорлар» жамияти вакиллари билан ҳамкорликда махсус ҳужжат тайёрланган. Бу ҳужжат ноқонуний гараж ўрнатган кишига топширилади. Агар бир ой ичида ана шу ҳужжатни олган ўсти очиқ машина эгаси унинг талабини бажармаса район ижроия комитетининг маъмурий комиссияси гаражни бузиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳозирги вақтда ҳар бир район ижроия комитетида қурилишлар, ободончилик ҳамда жамоат транспорти турадиган жойларни тақсимлаш ва назорат қилиш бўйича махсус штаблар тузилган.

Айрим газетхонлар бир пайтлар район ижроия комитетлари рухсати билан ўрнатилган гаражларни сақланиш тартиби билан қизиқдилар. Бу саволга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шаҳар архитектура-план л а штириш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. Русанов тушунтириш беради:

— Улуғ Ватан урушининг биринчи ва иккинчи группа инвалидларига тааллуқли гаражлар, шунингдек махсус рухсатнома асосида ўрнатилган ҳамда қурилиш талаблари ва қоидаларига хилоф бўлмаган, яқин оралаги аҳоли шикоятларига сабаб бўлмайдиган, район ижроия комитетлари қарори билан расмийлаштирилган гаражлар бузилмайди. Ўсти очиқ гаражлар ташкил этиладиган жойларда кейинчалик кооператив гаражлар барпо этилади. Улардан ЖЭКлар билан шартнома тузиб фойдаланилади.

Суҳбатни
Л. ОФФЕНГЕНДЕН
олиб борди.

2 тошкент бет оқшоми
7 АВГУСТ, 1978 й.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Э. ЖАББОРОВ: Шаҳримизда оилавий маросимларга ўз транспорти билан хизмат кўрсатадиган агентлик бор экан. Ана шу агентликнинг аҳолига хизмат турлари ҳақида билишни истар эдик.

Жавоб: Оилавий тантанали маросимларга хизмат кўрсатадиган енгил машиналар автобусларни Ленин районидаги хўжалик ҳисобида ишловчи транспорт - экспедиция агентлигига буюриш мумкин. Бу агентлик Шевченко кўчасидаги 56-уйда жойлашган. Унга 1, 2, 5, 8, 9, 24-трамвайларда борилиб, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи бекатида тушилади. Шуни айтиш керакки, шаҳар ташқарисидаги ҳушманзара жойларга коллектив бўлиб дам олишга чиқилмоқчи бўлинса, транспорт-экспедиция агентлигига автобуслар учун буюртмалар ҳам қабул қилинади. Бу ҳусусда 33-21-52 рақамли телефонга кўнғироқ қилинса, қўшимча маълумотларга эга бўлинади.

* * *

Ш. ИКРОМОВ: Анчадан буён слесарь-асбобсозлик касбини эгаллашни орзу қилиб юраман. Шаҳримизда ана шу касбни ўргатадиган билим юрти борми?

Жавоб: Тошкентда бундай билим юрти бор. У электротехника саноати учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган шаҳримиздаги ягона ҳунар масканидир. 34-ҳунар-техника билим юртида слесарь - асбобсозлик бўйича, шунингдек, штамплар ремонти, прессформалар ва мосламалар тайёрлаш, шунингдек, бошқа ихтисослик бўйича ҳунар ўрганиш мумкин. Бу ерда ўқиш муддати танланган касбга қараб 1—3 йил қилиб белгиланган. Ўзингизга зарур бўлган барча маълумотларни Тошкент—105, Манжара кўчаси, 137-уйда жойлашган ҳунар-техника билим юртидан олишингиз мумкин. Унга 22, 55, 7, 12, 26, 37-автобуслар ёки 5-трамвайда борилиб, «Қорасув» бекатида тушилади.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛА ГАИ АХБОРОТИ

Красновосточная кўчасидан Троицкий шоссесига чиқиш учун транспорт ҳаракати тақиқланди.

Иккинчи Магнитогорская кўчасидан Озарбайжон кўчасига чиқиш учун юк ташиш транспортининг ҳаракати тақиқланди.

Чилонзор массивининг 19-кварталидаги Сегизбоев кўчасида ҳаракатнинг тезлиги соатига 40 километргача чекланди.

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектининг Абай кўчасидан Аҳмад Дониш кўчасигача бўлган участкасида транспортнинг ҳаракат тезлиги соатига 30 километргача чекланди.

Абай ва Аҳмад Дониш кўчаларининг чорраҳасида реконструкция ишлари бошланганлиги муносабати билан ана шу участкада транспортнинг ҳалқали ҳаракат қилиши ташкил этилди.

Инженерлик коммуникацияларини ётқизиш бўйича қурилиш ишлари бошланганлиги муносабати билан Циолковский кўчасида Никитин кўчасидан Севастополь кўчасигача бўлган участкасида ҳаракат вақтинча тўхтатилди. Ана шу кўчаларга Путилов ва Севастополь кўчаларидан кириш мумкин. Айланиб ўтишнинг барча масофасида ҳаракат тезлиги соатига 30 километргача чекланди. Ҳаракатни ташкил этишдаги барча ўзгаришлар тегишли йўл белгилари билан кўрсатилган.

Л. Н. ТОЛСТОЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 150 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Шу кунларда бутун дунё халқлари улуғ рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой туғилган куннинг қутлуғ 150 йиллигига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. «Ҳақиқатни чин қалбдан севаман, ҳақиқатнинг бутун гўзаллигини тасвирлашга ҳаракат қилдим», деган буюк адибнинг шонли юбилейига республикамизда ҳам зўр тайёргарлик кўрилмоқда. Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида Л. Н. Толстой туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган катта адабий кеча бўлиб ўтди. Кечани филология фанлари доктори, таниқли олим ва драматург Иззат Султон кириш сўзи билан очди.

Филология фанлари докторлари Марат Нурмуҳамедов, Мақсуд Расулий, Жуманиёз Шарипов, филология фанлари кандидатлари ёзувчи Пиримқул Қодиров, Эрик Каримов, Мурод Иброҳимов ҳамда Раъно Собировалар Лев Николаевич Толстой ва ўзбек адабиёти ҳақида гапиришди.

Шу кунларда А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтининг илмий ходимлари қутлуғ санага яна бир муносиб совға тайёрламоқдалар. Бу — «Лев Толстой ва ўзбек адабиёти» деган илмий-танқидий мақолалар тўпламидир. Тил ва адабиёт институтининг таниқли олимлари ва адабиётшуносларининг Толстой ҳақидаги, унинг ижоди ва фалсафий қарашлари ҳақидаги бу китоб юбилей арафасида китобхонлар қўлига тегиши кўзда тутилган

НОВОСИБИРСК САҲНАСИДА

Новосибирскда Тошкентдаги М. Горький номли давлат рус академик драма театрининг гастролдари бошланди. Тошкентлик саҳна усталари иккинчи марта новосибирсклик ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Биринчи учрашув бундан ўн йил муқаддам бўлиб ўтган эди.

Бу йилги гастролларнинг очилиши кунида шаҳар ишчилари, ходимлари, ўқувчи ёшлар ва ижодкор зиёлиларнинг намояндалари Новосибирск музикали комедия театрига келдилар.

Меҳмонлар самимий кутиб олганликлари учун новосибирсклик ларга ташаккур билдирдилар. Сўнгра Н. Богучаровнинг «Ювош қариялар» пьесаси асосида ишланган спектакль кўрсатилди. Тошкент театри ана шу спектаклни мамлакатимизда биринчи марта саҳнага қўйган эди. Гастроль репертуарида ҳозирги замон совет драматургияси, рус классиклари асарлари, чет эл авторлари пьесалари асосида тайёрланган ўн иккита спектакль бор. Театр коллективи бир ой давомида академия шаҳарчасида ҳам спектакллар кўрсатади. **(ЎзТАГ).**

• *Маданий ҳаёт*

Янги саҳна асари

Пойтахтимиздаги шаҳар Маданият уйи қошидаги халқ театрининг ҳаваскор санъаткорлари ажойиб саҳна асарлари ижроси билан томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда. Куни кеча халқ театри репертуаридан яна бир янги асар ўрин олди. Халқ театрининг қалби қайноқ санъаткорлари ҳаваскор драматург Кашшоф Амировнинг «Суд олдидан» драмасини муваффақиятли саҳналаштирдилар. Етти кўриниш, уч пардали бу драматик асарда асосан машаққатли ва мураккаб ҳаёт кечирувчи ҳаётимиз посбонлари ва уларнинг мураккаб тақдири, яратувчилик қудрати қаламга олинган.

Асардаги полковник роли, айниқса ҳаваскор санъаткор Ҳусан Икромов талқинида ниҳоятда жонли чиққан. Биз саҳнада тунни кунга улаб совет кишилари ҳаётини таҳликадан сақловчи, турли хил безориларни тутиб, ёмонликка қарши кескин курашувчи милициямизнинг ҳурматли ходимларини кўриб, севиб қоламиз.

Лейтенант Осиё роли ҳам Маъмура Ризаева томонидан анча ҳаётий талқин қилинган. Розия ролини савдо техникумининг студенти Манзура Каримова ўйнамоқда.

Суд ходимлари ҳақидаги, ҳаётимизнинг осойишталигини таъминловчи милиция ходимлари ҳаётн ҳақидаги бу саҳна асарини халқ театрининг бош режиссёри Шуҳрат Умаров саҳналаштирган.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

ЯНГИ МАСАЛЛАР

МАСАЛ ВА ҒАЗАЛ

Тасодиф биланми ва ёки атай
Масал ғазал билан учрашиб қолди,
«Шеърият бобида мен,—дея,—олди» —
Ғазал кўз-кўз қилар
ўзми пайдар-пай.
Минг тусда товланар
кийган либоси,
Дуру-гавҳарлардан кўз қамашади.
Унинг назокати, лутфу-нбоси,
Бирам ярашади, бир ярашади!
Кўрганлар кўрсам деб
минг қарашади,
Тан бермоқ керакки,
азалдан азал —
Мулки шеъриятда ғазалдир гўзал.
Лекин доимо —
Гўзалларда бўлар сал нибру-ҳаво,
Шунданми, келганда масал рўбарў
Эгнидаги эски чопонин кўриб,
Нописандлик билан лабини буриб,
Ўзин кўрмаганга солиб ўтди у.
Масал-чи? Йўқ унда нуқусга ҳеч тоб.
«Эй, сингилим, тўхтагил!» —
деб қилди хитоб:
Гарчи иккимизда икки хил сиймо,
Сен ҳамиша ёшу, мен гўё қари,
Мен Эзопдек хунук, сен эса — пари,
Тамоми ўзгача бўлсак-да ҳарчанд
Билгимки, аммо —
Иккимиз бир ота-онага фарзанд».
Чўчиб тушди Ғазал, тўхтади таққа,
Ортини жуфтлади савол сўрмоққа:
«Шундайми, а?» — дея
сўз қотди фақат.
«Ҳа, шундай, сингилжон,
унутма асло:
Онамиз — Эзгулик,
Ота — Ҳақиқат».
Ғазал ҳам ўйланиб
турди-да бир зум,
«Тўғри, огажон», — деб
қилди табассум.

ПАШША БИЛАН ФИЛ

«Султон суягини хўрлатиб қўймас,
Чўнг дарахтнинг бўлса —
етгай сояси,
Бирор қариндошинг —
«улуғ» бўлса бас,
Ишқилиб, бир куни
текқай фойдаси», —
Дея ўзларига излашиб тиран,
Баъзи акамларнинг жонлари ҳалак.
****
Бир куни қўрада жонворлар аро
Ана шу мавзуда гап юриб қолди.
Хўш, кимда номдорроқ
хеш-у ақрабо?
Мош мушук биринчи бўлиб
сўз олди:
«Ҳа, бизнинг уруғдан
ўрмоннинг шоҳи,
Йўлбарсбекнин, ахир,
ҳамма танийди.
Қалайсан, деб сўраб туради гоҳи.
Ё қўрангга подшо қилайми, дейди».
«Бизнинг қариндош ҳам
ўрмоннинг зўри, —
Деб қолди Кучуквой, —
номлари — Бўри.
Олдимга кел, дейди,
меҳмон бўл, дейди,
Гўшту-суяк жуда мўлу-нўл, дейди».
«Қа-қа-қаранг-а, — қўшилди Товуқ.—



Биз ҳам Бургут билан яқинмиз
жуда,
Катта аммамизга бўладн куда,
Фақат орамизда борди-келди йўқ».
Шунда учиб ўтиб қолдику Пашша,
Сўзга аралашди у шоша-пиша:
«Э, бизнинг қариндош
ҳаммадан зўрроқ!»
«Хўш, ўзи ким экан,
қани, айтиб боқ?».
«Ким бўларди — Фил».
«Э, ўл-э, ёлғончи, сал андиша қил,
Фил сенга қариндош? Қанақасига?»
Пашша дер нерилиб: «Шунақасига,—
Қариндош бўлган-чун ўхшатмиз
шунча:
Унда хартум бору, менда хартумча...»

НАЙНИҚ БОҒБОН

Бир боғбон бўларди,
ғирт найниқ, муҳмал,
Қилган иши нуқул дардисар,
мужмал.
Ивирсиб юраркан доим боғ аро
«Кашф» этарди
турли-туман «нхтиро»:
Шафтолини олиб — улабди токка,
Олмани-ўрикка, бодомни-нокка
Анорни анжирга чатиштирибди,
Олхўрини тошдай қотиштирибди,
(Уланган экан-да, ахир, ёнғоққа),
Ҳайратда қолади ким кирса боққа.
Ўсиб ётар турли «анвойи мева»,
Хоҳласанг — татиб кўр,
хоҳлама — ема.
Данакли олмага хуш борми, қани,
Ким ҳоҳлайди нокни чақиб еганн?
Шафтоли пишибди тоқинг устида,
Кишмишдай майда-ю, серданак жуда.
Уринлари олма — хўб ярашибди,
Бирам сартайибди, ҳил-ҳил пишибди.
Истасангиз тошлаб олхўри қоқинг,
На анор, на анжир —
мановрга боқинг.
Хурмо билан писта солишарди дод,
Гилос билан беҳи қўшилса наҳот?
Бир четда жийдага пайванд олволи,
Боғ эмас ажойибхона мисоли.
Буларнинг баридан
лекин не фойда?
Шундай «ихтирочи»н
нўрдим бир жойда.



Саҳнага чиқиш арафасидаги ҳаяжонли сониялар... «Ташкенткабель» заводининг бадиий ҳаваскорлар клуби раққосалар ансамбли раққосалари саҳнага чиқишга ҳозирлик кўрмоқда.
И. Глуберзон ва В. Сиротнин фотоси.

◆ ШАҲРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИ БЎЙЛАБ

Дўстлигимиз кўзгуси

— Бир донишмандан: «Қанча дўстинг бор?» деб сўраганларида: «Билмадим. Ҳали бошимга оғир кунлар келганича йўқ. Мабодо келса, у чоғда қанча дўстим борлигини билиб оламан», деган экан. — дейди СССР Халқлари Дўстлиги музейининг директори Дилбар Усмонова. — Ҳақиқатдан ҳам дўст оғир кунларда билинади, дўстлик синалади. Музейимиз Ватанимиз халқларининг ана шундай оғир кунлар синовидан ўтган дўстлиги кўзгусидир. Музей билан танишгач бунга ишонч ҳосил қиласиз.

Чиндан ҳам шундай. Мана, биринчи қаватдаги улкан залдамиз. Залнинг тўрида В. И. Ленин ҳайкали. Ҳайкал ортида бепоён Ватанимизнинг алвон байроғи. Унинг ёнида эса қардош республикалар байроқлари, деворнинг юқори қисмида уларнинг гербларн ўрин олган.

Юқори қаватдаги кўргазмалар ҳам халқларимиз дўстлиги ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилади. Уларнинг акҳсарият қисмини фотосуратлар ташкил қилади. Уларда халқимизнинг ўтган асрнинг иккинчи ярмидан то бугунгача бўлган ҳаёти ўз ифодасини топган. Шунингдек, қардош халқлар, энг аввало улуғ рус халқи билан дўстлик, оғалик бу асарларда бўртиб кўзга ташланади. Юртимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясини мустаҳкамлаш йўлида жонларини ҳам аямаган халқимизнинг Миркомил Миршарофповдай фарзандлари от ўйнатиб майдонга тушдилар. Улар шундоқ ёнида М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев каби давлат арбоби ва саркардалар нафасини сезиб турдилар. Бу тарихий воқеалар музей кўргазмаларида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев айтганидек: «мамлакатимизда а г и барча миллатлар ва элатларнинг иттифоқи ҳамда дўстлиги Улуғ Ватан уруши сингари жуда оғир синовга бардош берди». Экспонатларда ҳудди шу ҳикмат ўз ифодасини топган. Уларда оғир йиллардаги қийинчиликлар ва мардона кураш тўла ифода этилган.

Музейнинг эътиборга молик залларидан яна бири пойтахтда рўй берган табиий офат — қаттиқ ер силкиниши ва у қолдирган изларни бартараф этишга бағишланади. Зилзила 1966 йилнинг 26 апрели соат 5 дан 23 минут ўтганда содир бўлган эди. Унинг эпицентри шаҳар остида 5—10 километр чуқурликда бўлиб, кучи салкам 8 баллни ташкил қиларди. Минглаб иморатлар зилзила натижасида вайрон бўлди, шаҳримиз аҳолисининг учдан бир қисми ёки 78 минг хонадон бошпанасиз қолди. Шу кунниинг ўзидаёқ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигинлар бу ерга келиб, шароит билан танишдилар ҳамда офат оқибатларини тугатишга таллуқли зарур тадбирларни ишлаб чиқишга бош бўлдилар. Дўстлар бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ёрдам қўлини чўздилар. Шу дўстлик, аҳиллик самараси бўлиб янги Тошкент — қардошлик шаҳри қад кўтарди.

Музейнинг энг сўнгги залида асримиздаги энг сўнгги улкан янгиликлар ўз ифодасини топган. Зални биргаликда парвоз қилган «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг экипажи республикамизда бўлганларида америкалик космонавтлар қолдирган эсдалик совғаси безаб турибди. Унда «Союз» ва «Аполлон» космик кемаларининг туташиши акс эттирилган. Бу ерда, шунингдек бешала фазалочини — А. А. Леонов, В. Н. Кубасов, Т. Стаффорд, В. Бранд ва Д. Слейтонларнинг бирга тушган сурати уларнинг дастхати билан сақланмоқда.

...Музейдан бир олам завқ билан чиқдик. Чиндан ҳам бу музей халқларимизнинг улуғ ва муқаддас дўстлиги ҳақида томошабинда ёрқин таассурот қолдиради.

М. РАҲИМОВ, В. КРИВОЛУЦКАЯ.

ФЕСТИВАЛГА ЙЎЛЛАНМА

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ҳузуридаги «Илҳом» ижодкор ёшлар республика клуби эксперименталь театр студияси сентябрь ойида Минскда ўтказиладиган Бутуниттифоқ фестивалига бориш учун таклифнома олди. Бу кўринда ёш артистлар коллективлари асосий репертуар программасидан ташқари тайёрлаган асарларини тақдим этадилар.

Студия фестивалда Александр Вампиловнинг «Ўрдак ови», пьесаси асосида ва Гарсиа Лорканинг «Қўшиқ ўлмайди» асари асосида тайёрланган икки спектаклни кўрсатади.

(ЎзТАГ).

ҚЎНГИЛ

ҲИКОЯ

Бурчакдаги трюмо олдидан ўтиб бораркан, беихтиёр кўзгуга разм солди. Унга кўзлари киртайган, сочлари паришон қиз тикилиб турарди. Моҳира яқинроқ келди-ю беихтиёр қулиб юборди. Унинг пешанаси, ниягигача қоракуя бўлганди.

«Дамир акам роса кулгандир ичида», деб ўйлади у шоша-пиша иягини артар экан.

Бугун қайнанаси, қўлбола ош қилиб берасиз. деб эркалик қилди. Моҳира газ плитасида ош қилмоқчи эди, қойиб берди. «Газнинг оши ошми, келинпошша, кироли ош егандан кейин ўчоқни ошини ейиш керак-да!».

Моҳира ошхонада қарағай тахта ёқиб ош қилди.

У эрининг қўйлагига дазмол босаркан, қўнгли қандайдир бўмбўш бўлиб қолганди. У бу онлага келин бўлиб тушганига икки ой бўлиб қолди. Дамир билан севишиб турмуш қуришди. Дамир Моҳира ишлайдиган тиш поликлиникасига икки-уч марта чиқдию, бир-бирларини ёқтириб қолишди. Моҳира электрон-техника заводида ишлайдиган бу йигитнинг камтарлиги, мулойимлигини ёқтириб қолди.

Бировдан кам эмас, бировдан кўп ҳам эмас. ўртача тўй қилишди. Моҳира бу оилага фарзанд бўлиб кириб келди. Ўзи ёлғиз қиз бўлгани учунми, отасиз ўсганиданми, «қий-чув»га тўлиқ, пайтимизда қайнанамиз етти ямлаб бир ютаман. дерди. Худога шукур, қайнананг яхши кампир. Беш кунлиги борми, йўқми, ўшанинг дуосини ол.

Моҳира кўнди. Ҳозир машинасидан дазмол босаркан, шуларни ўйлаб ҳўрсинди қўйди.

Нариги уй бирдан қий-чув бўлиб кетди. Моҳирапинг хаёли бўлинди. Дазмол илди. Беихтиёр газета қатини очди. ярақлаб турган Марғилон атласидан кўзи қамашиб кетгандай бўлди-ю, охиста пичирлаб «Раҳмат» деб қўйди.

... У кеч уйгонди. Ҳар куни будильник уни соат олтида уйғотарди. Ҳозир эса етитдан ошганини кўрди, илдам ўрнидан турди. Шу ондаёқ кеча қайнотаси дам олишдан қайтганини эслади. Баттар мулзам бўлди. «Жуда уят бўлди-ю», деб ўйлади ўрнини шоша-пиша йиғиштираркан.

У тез-тез юриб айвон эшигига келди-ю, бир зум тўхтаб қолди. Нариги уйда Олимбой отанинг босиқи товуши келиб турарди. Моҳира ўзига тегишли гап бўлаётганини эшитиб беихтиёр туриб қолди.

— Келининг мазаси қочиб қопти-ю, хотин. Инсофинг борми ўзи!.. Келинлар чўрилик қиладиган замон эмас ҳозир. Тағин ҳам инсофли экан... Сигирдай қизларинг нега қарашмайди. Эртаиндин улар ҳам бировнинг хонадонига боради. Ўзингнинг қизингни бирон чўри келса боравсан бобиллаб. — Олимбой ота зарда қилмасдан, босиқлик билан гапиради. — Билиб қўй, бугундан бошлаб келин овқат қилмайди. Ишдан чарчаб келади бечора. Қизлар қилсин. Бошқа ишларгалм боқишишсин.

Моҳира айвоннинг эшигини товушсиз очиб ҳовлига тушди-ю, шоша-пиша ювинниб ҳовлини супура бошлади.

Аммо бугунги юмушлар унга ҳар кунгидай малол келмас, кўнглида алланечук енгиллик бор эди.

Ўтан САДИРОВ.

ХАЛҚ ПОЭЗИЯСИ ДУРДОНАЛАРИ

Низомий номли Тошкент педагогика институтининг Қорақалпоғистонда фольклор тўплаш билан шуғулланаётган экспедициясининг иштирокчилари халқ оғзаки ижодиётининг нодир намуналарини ёзиб олишга муваффақ бўлдилар. Булар қозоқ аёлларининг қадимий урф-одатларига доир қўшиқлар бўлиб, уларда оилада маиший муносабатларнинг турли жиҳатлари акс эттирилган. Қўниғиротда истиқомат қилувчи Оңжаиқ Қулбергенова халқ ижодиёти ана шу ажойиб дурдоналарини асраб келган. Аёллар фольклори ярагган, Қулбергеновани нинг оғзидан ёзиб олинган бу асарлар халқ қадимий ғазаки ижодиётида янги саҳифа бўлиб, унинг ранг-баранг туркини, миллий ўзига хос хусусиятларини тўлароқ ўрганиш имконини беради.

(ЎзТАГ).



Китоохонларга аъло хизмат кўрсатиш учун знё масканн ходимлари бетинним меҳнат қилишади. Ушбу суратда Сиз область кутубхонасининг бош кутубхоначиси Алла Валиулина, директор ўринбосари Тамара Пак ҳамда бош библиограф Юлия Шамшуриналарни иш вақтида кўриб турибсиз.
Р. Альбеков фотоси.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» ТУҲФАСИ

МУҲАББАТ ҚЎШИҒИ

Кейинги йилларда «Ўзбекфильм» киностудияси ходимлари болаларга атаб ҳам қатор кўгирчоқ фильмлар ишлаб чиқармоқда. Бу асарлар ёш томошабинлар қалбига завқ-шавқ бағишлабгина қолмай, уларни ҳаёт ҳақида ўйлашга, тасаввур дунёсини бойитишга катта ёрдам беради.

Куни кеча режиссёр М. Маҳмудов «Лочин ва Юлдуз ҳақида қўшиқ» номли янги мультфильми суратга олиб бўлди Нафақат ёш томошабинларга, балки катталарга ҳам мўлжалланган бу фильмда ўзига хос фалсафий фикр илгари сурилади. Асарнинг асосий қаҳрамони —Лочин. У энг ёруғ юлдузни чин дилдан севади. Юлдуз табиийки само қўйнида — у ердан ниҳоятда олисда. Лекин бу Лочиннинг қалбидаги унга нисбатан бўлган соф муҳаббатни сўндира олмайди. Аксинча, ўз севгиси, орзусига етишиш йўлида Лочин саботи ва матонат билан курашиб, фидокорлик намунасини намойиш этади. Шу ўринда фильмда инсоннинг курашчанлиги улуғланади. Одамзот ўз мақсадига эришиш учун матонат, сабр-тоқат билан, фидойилик билан курашиш лозимлиги, меҳнат қилиши лозимлиги уқдирилади.

Асарнинг асосий қаҳрамони бўлган Лочин ҳам ўз севгисига доимо содиқ ва вафодор бўлиб қоладики, бу ерда Юлдуз образи ҳам унинг ички-маънавий оламини очишда етакчи восита бўлиб хизмат қилади.

Оптимистик руҳда ниҳояланган бу асарда тиниқ, шоирона кайфият сезилиб туради ва томошабин қалбига нурли туйғулар бағишлайди.

«Лочин ва Юлдуз ҳақида қўшиқ» мультфильми сценарийси муаллифи Ольга Хмельницкаядир. Асарнинг мароқли чиқишида С. Иногомов, М. Турсунов, Ю. Лукьянов сингари мультипликаторларнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

◆ КИТОБ ЖАВОНИ

«УЛУҒБЕК ХАЗИНАСИ»

Ҳар бир адибнинг ижодида асосий аҳамият касб этган асари бўлади. «Улуғбек хазинаси» романи ёзувчи Одил Ёқубов ижодида ана шундай аҳамият касб этганди. Адиб бу романи учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти яқинда Одил Ёқубовнинг шу номдаги янги китобини нашрдан чиқарди. Китобдан адибнинг «Улуғбек хазинаси» романидан ташқари қиссалари ва «Фарзандлар бурчи» этюдлари ҳам ўрин олган. Бу этюдларда довруғи оламга кетган пахтакор замондошларимиз, улар амалга ошираётган фидокорона ишлар ҳақида ҳикоя қилинади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
7 АВГУСТ, 1978 й.

физкультура ва СПОРТ

• *Физкультура—ҳар бир хонадонга*

ТАШАББУСКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Тошкентда турар жой конторалари ва уй-жой бошқармаларининг спартакиадасини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу йил у 16 марта спортнинг ўн тури бўйича ўтказилмоқда. Аввалги спартакиадалар д а н фарқли ўлароқ, бу сафар баҳслар программасига катта ёшдаги аҳоли учун спортнинг беш тури бўйича беллашиш киритилди. Улар ГТО кўп курашининг V босқичига кирувчи стол тенниси, волейбол, шахмат ва шашкалардан иборатдир. Бу спартакиада яна бир хусусияти билан аввалгиларидан фарқ қилади. Яъни турар жой конторалари ва уй-жой бошқармаларининг физкультурачилари томонидан тўпланган зачет очколар республикамиз пойтахти районлари спартакиадасининг умумий жамғармасига қўшилади.

Ҳозирга қадар болалар ва ўсмирлар ўртасида спортнинг саккиз тури бўйича финал мусобақалари бўлиб ўтди. «Олтин шайба» клубининг соврини учун шайбали хоккей бўйича, «Чарм тўп» клуби соврини учун футбол бўйича, уч ёш группалари ўртасида стол тенниси, чим хоккейи, волейбол, шахмат, шашка ва сузиш бўйича мусобақалар бўлиб ўтди.

Спартакиада программасига чим хоккейи биринчи марта киритилган бўлишига қарамасдан мусобақаларда етти ўсмирлар ва тўрт қизлар команда-си иштирок этди. Ўсмирлар ўртасидаги баҳсда Куйбишев районидаги 31-турар жой конторасининг команда-си, қизлар ўртасидаги баҳсда эса Чилонзор районидаги 35-турар жой конторасининг командаси яхши қатнашди.

Стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақаларда Чилонзор районидаги ЖЭК ва уй-жой бошқармаларида жамоатчилик билан ишлаш бўйича маълум тажриба тўпланди.

Аммо, бундай ижобий натижалар кўп эмас. Кўпгина ЖЭК ва уй-жой бошқармаларидаги физкультура ва согломлаштириш бўйича жамоат советлари, уй комитетлари жуда суст иш олиб боришмоқда. Спартакиада давомида шу нарса маълум бўлдики, районларнинг уй-жой бошқармалари, ЖЭК ва уй-жой бошқармалари ҳали ҳам педагог-ташкилотчиларнинг амалий фаолиятларини қатъий назорат қилиб бориш, жамоатчиларнинг ҳаракатларини моддий базани мустаҳкамлаш ишига йўналтиришга етарли аҳамият беришмаяпти. Педагог ташкилотчиларнинг спартакиаданинг финал мусобақаларини уюштиришда қандай иштирок этганликлари бунга мисол бўла олади. Шаҳардаги ЖЭК ва уй-жой бошқармаларида ишлаётган 58 педагог ташкилотчидан фақат учдан бир қисмигина спартакиада мусобақаларини ташкил этишда актив иштирок этди.

Спартакиада давом этмоқда. 12 август — Физкультурачилар кунида «Старт» стадионида спартакиаданинг якуний мусобақалари бўлиб ўтади. Қисқа қилиб айтганда мусобақаларнинг юқори савияда ўтыши, спартакиаданинг умумий якунида районларнинг қандай ўринни эгаллашлари кўп жиҳатдан педагогларга уларнинг ташаббускорликларига боғлиқ.

А. ПАРШИН,
спартакиаданинг бош судьяси.

ШАҲАР РАЙОНЛАРИНИНГ 1978 ЙИЛДАГИ XII ТОШКЕНТ СПАРТАКИАДАСИДА ҚАТНАШИШ ЖАДВАЛИ

Районлар	Ўқувчилар спартакиадаси		ЖЭКва уй-жой бошқармаларининг спартакиада-си (спортнинг 8 туридан сўнг)		Умумий ўрин ва очколар	
	очколар	ўрин	очколар	ўрин	ўрин	очколар
1. Куйбишев	1191.5	I	1048.0	II	I	2239.5
2. Чилонзор	931.0	VI	1136.0	I	II	2067.0
3. Киров	1028.0	III	939.0	III	III	1967.0
4. Акмал Икромов	1135.0	II	438.0	IX	IV	1573.0
5. Ленин	855.5	VII	702.0	V	V	1557.5
6. Фрунзе	962.0	V	546.0	VII	VI	1508.0
7. Собир Раҳимов	655.0	VIII	710.0	IV	VII	1365.0
8. Ҳамза	971.5	IV	245.0	X	VIII	1216.5
9. Октябрь	494.5	X	660.0	VI	IX	1154.5
10. Сергели	582.0	IX	495.0	VIII	X	1077.0

МУСОБАҚАЛАР ХРОНИКАСИ

* * *

Новосибирск шаҳрида енгил атлетика бўйича СССР Кубоги — «Известия» кубоги учун ўтказилган зонал мусобақаларда Тошкент шаҳри командаси муваффақиятли қатнашиб, финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Биринчи ўринни бу ерда майдон эгалари эгаллашди. Тошкентликлар иккинчи бўлишди.

Шундай қилиб, финал беллашувларида қатнашиш ҳуқуқи қўлга киритилди. Аммо шуни афсус билан айтиш керакки, тошкентлик енгил атлетикачилар кўрсатган натижалар унчалик юқори эмас. Новосибирск шаҳрида спортчиларимиз томонидан эришилган натижалар билан СССР Кубогининг финал учрашувларида қатнашиб, яхши ўрин эгаллаб бўлмайди. Шу боисдан ҳам тайёргарлик ишларини янада кучайтириш лозим.

* * *

Кострома шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида байдарка ва каноэ ҳайдаш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида қамшаҳримиз Юрий Ряузов муваффақиятли қатнашди. У икки кишилик каноэ ҳайдовчилар экипажида қатнашиб, 500 метрга ўтказилган беллашувда марраге биринчи бўлиб етиб келди.

Командамизнинг умумий натижалари яхши бўлмади. Республикамиз вакиллари олтинчи ўрин билан кифояланишди. Бу ўтган йилги натижадан бир погона паст демакдир.

* * *

Киев шаҳрида ёш спортчиларнинг мўлжалга отиш бўйича Бутуниттифоқ шахсий-команда биринчилиги бўлиб ўтди. Мусобақанинг биринчи кунида кичик калибрлик милтиқдан отиш бўйича ўтказилган баҳсда республикамиз терма командасининг вакили Ш. Загитов 595 очко тўплаб, биринчи ўринни эгаллади. Тошкентлик студент С. Иваненко фахрий шохсупанинг учинчи погонасига кўтарилди.

* * *

Команда ҳисобида республикамиз вакиллари бешинчи ўринни эгаллашди.

Тошкентдаги танкчилар билим юртининг курсанти Василий Исаев Рига шаҳрида бўлиб ўтган енгил атлетика бўйича мамлакат биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади. У уч хатлаб узоқликка сакраш баҳсида энг юқори натижа кўрсатди.

Маълумки, бу баҳсда одатда энг кучли спортчилар иштирок этишади. Шунга қарамасдан В. Исаев энг яхши натижа кўрсатишга эришди. У 16 метру 23 сантиметр масофага сакради.

КИНО УСТАЛАРИ ШАҲРИ

«Мосфильм» киностудиясини Москва шаҳрининг ичидаги шаҳарча деб аташ мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ва Европадаги энг йирик киностудиялардан бирига айланган «Мосфильм»га дастлаб 1927 йили 20 ноябрда асос солинган эди. Ўтган йиллар ичида бу даргоҳда ишлар жаҳон киносанъатининг энг нодир дурдона асарларини яратган С. Эйзенштейн, В. Пудовкин, А. Довженко, Г. Александров, И. Пырьев, М. Ромм сингари кино санъатининг усталари яратган нодир асарлар «Мосфильм»нинг довруғини оламга ёйди. Бугунги кунда икки орденли «Мосфильм» киностудиясида 5 мингдан ошиқ кинематографистлар меҳнат қилади. Улар замонавий кино асарлари яратишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ҳар йили 50 дан ошиқ бадиий ва телевизион фильмлар «Мосфильм»нинг ўн уч павильонида суратга олинади.

Ушбу суратда сиз ана шундай асарлардан бирининг суратга олиш жараёнини кўриб турибсиз. «Куйловчи аёл» деб номланган бу асарда ги бош ролни таниқли санъаткор Алла Пугачёва ижро этмоқда. (ўртада).

Н. Малкшев фотоси,
ТАСС фотохроникаси.



◆ ҲАР ТЎҒРИДА

СЎЗСИЗЛИК БАҲОСИ

Ҳиндистоннинг Гужерат штатида истиқомат қилувчи 73 ёшли деҳқон Лакман Пател ўз туғилган қишлоғи Колитхалда мактаб қурилиши учун пул йиғиш мақсадида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ишга бел боғлади. У то ўз мақсадига етишмагунча бир оғиз ҳам гапирмасдан гўнг ва соқоп бўлиб яшаши ҳақида маълум қилди. «Қишлоқ телефони» бу янгиликни бутун округ бўйлаб тез тарқатди. Пателига ёшлар ва қишлоқ активлари яқиндан ёрдам бердилар. Улар 18 ой мобайнида 300 минг рупи тўпладилар. Эндиликда қишлоқда янги замонавий мактаб қад кўтаради. Бутун ўтган вақт мобайнида Лакман бир оғиз ҳам сўз гапирмади. У қишлоқда ўз шарафига уюштирилган митингда биринчи бор тилга кирди.

ҒАЛАТИ БЕМОР

Ҳиндистоннинг Керала штати Коччи шаҳридаги кўз клиникасига кўз оғриғи шикояти билан бир бемор кириб келди. Врачлар унинг кўзига қон қуйилиб атрофи ёшланадиган бўлиб қолганлигини аниқладилар. Мутахассислар чуқур текширувдан сўнг беморнинг кўз оғришига қандайдир жонли организм сабабчи эканлигини аниқладилар. Дарҳол операция бошланди. Операция давомида бемор кўзидан олиб ташланган 25 сантиметр узунликдаги чувалчангсимон қуртни кўрган мутахассислар ҳам ҳайратдан қотиб қолишди. Улар бундай операция биринчи бор бўлаётганлигини қайд этдилар. Бемор тезда тузалиб, касалхонадан чиқиб кетди.

ҲАЁТИНИ ГАРОВГА ТИКИБ

Яқинда Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатида ғалати ҳодиса рўй берди. Ўз хўжайинининг 14 ёшли ўғли ҳаётига чанг солган коброга қарши фил кураш бошлади. У ухлаб ётган болага яқинлашаётган кобрани кўриши биланоқ илонга ташланди. Бироқ бу олишувда филнинг ўзи ҳам ҳаёт билан хайрлашди. Севимли ўғлини ўлимдан қутқарган фил эгаси бу содиқ ҳайвоннинг кўмиш маросимини тантанали ўтказди.

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Тошкентдаги Луначарский номли маданият уйи ўзбек ашула ва рақс ансамбли ҳамда вокал-чолғу коллективи Сирдарё областидаги Волков номли совхозда пахтакорлар учун махсус тайёрланган концерт программасини намойиш қилди. Улар халқ қўшиқларини, совет ва чет эл композиторларининг асарларини ижро этдилар.

Тошкентнинг ҳаваскор коллективлари шу кунларда қишлоқ меҳнаткашлари ҳузурига тез-тез меҳмон бўлиб бормоқдалар. Чиноз район марказининг клуби ўзини оталиққа олган Фрунзе районидаги 2-маданият ўйининг ёрдамида «Меҳнатга шон-шарафлар» кечасини ўтказди.

(Газетанинг навбатдаги сони 9 августда чиқади.)

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ЛЕНИН, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ВА МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металлар бўйича универсал токарлар ва универсал фрезерчилар, ўчиш аппаратларини йиғувчи слесарлар, механика-йиғув ишлари бўйича слесарлар, дурадгорлар, тунука ва инструментлар бўйича слесарлар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

ЎҚИШГА 8 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ШАҲАРЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Шаҳарнинг чекка қисмидан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Билим юртини битирганлар ўрта маълумот ҳақида аттестат ва касблари ҳақида диплом ва В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш учун йўлланма оладилар.

Билим юртини аъло баҳо билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.

Билим юртида ўқишлар техника воситалари билан жиҳозланган фан кабинетларида ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар заводдан бериладиган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртида спорт секциялари ва авиамоделчилар, фото, радио ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

Ўқувчиларнинг дам олишлари учун Чимён атрофида махсус дам олиш лагери бор.

Шунингдек, ўқувчилар бепул уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасида ишлаган иш ҳақининг бир қисмини оладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: ариза, таржимаи ҳоли, 8-синфни тугатганлиги ҳақидаги гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин. Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй 29-трамвай ва 30-автобуснинг «Валихонов кўчаси» 8, 48, 21, 80-автобусларнинг «4-турар жой шаҳарчаси» бекатлари).

БОЛАЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАРНИНГ БАЪЗИ БИР ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ НАРХИ 50 ПРОЦЕНТДАН 65 ПРОЦЕНТГАЧА

АРЗОНЛАШТИРИЛГАН

ЕЗГИ, КУЗГИ ВА ҚИШКИ АРЗОНЛАШТИРИЛГАН ПОЙАФЗАЛЛАРНИ

«Ташобувьторг»нинг магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.



МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

2— Кафанов кўчаси, 106-уй (Госпиталь бозорида);
6— Истиқбол кўчаси (Қўйлиқ);
14— Октябрь бозори;
15— Навоий кўчасидаги шаҳар ярмаркаси;
30— Чилонзор массиви Фарҳод кўчасидаги шаҳар ярмаркаси;
17— Навоий кўчаси, Марказ—4, 11-уй;
А

«ТАШОБУВЬТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

«ТАШОБУВЬТОРГ»
«УЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ЗАВОДИ ҚОШИДА

ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

196-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

йигит ва қизларни қуйидаги касблар бўйича

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ярим ўтказгич асбобларини йиғувчи (қизлар), **токарь-универсал** (йигит-қизлар), **фрезерчи** (йигитлар), **слесарь-асбобсоз** (йигитлар).

Ўқишга Тошкент шаҳрида яшовчи 8—10 синфни битирган йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ: **8-синфни битирганлар учун 1—2 йил; 10-синфни битирганлар учун 1 йил.**

8-синфни битирганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

10-синфни битирганлар 30 сўм ҳажмида стипендия билан, аълочилар оширилган стипендия билан таъминланади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини аъло баҳода битирганлар ўқишни давом эттириш учун Москва, Ленинград, Тошкент институтларига ва техникумларига кириш учун йўлланма оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилардан қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги аттестат ёки гувоҳнома (асл нусхаси), таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 2 дона 4х4 см ва 2 дона 3х4 см. фотосурат.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

ЎҚИШ 1978 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Бизнинг адресимиз: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй (2, 25, 60-автобуслар; 1, 10, 11, 13, 16-троллейбуслар; 1, 2, 3, 4, 5, 18, 22, 25-трамвайлар нинг «Дизельная» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

76, 77, 78-АТС абонентлари учун

1 АВГУСТДАН БОШЛАБ

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН РЕМОНТ БЮРОСИ ИШЛАМОҚДА

Бузилган телефонларни тузатиш учун заявкалар АТСга қуйидагича берилади:

— ремонт бюросининг коди 08 терилади:

— узлуксиз товушни эшитгандан сўнг бузилган телефон номери терилади.

Ремонт бюроси банд бўлса (қисқа товушлар эшитилса) яна 08 **қайта терилади.**

Масалан: 76-17-17 телефони бузилган. Абонент 08 ни териб узлуксиз товушни эшитгандан сўнг 76-17-17 телефон номерини теради ва унга автоматлаштирилган ремонт бюроси хизмат кўрсатади.

Заявкалар иш кунлари соат 9.00 дан 20.00 гача, шанба кунлари соат 9.00 дан18.00 гача қабул қилинади.

Иш кунлари соат 17.00 дан, шанба куни соат 16.00 дан сўнг қабул қилинган заявка бўйича камчиликларни тузатиш кейинги иш кунида бажарилади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИНИНГ БОШ БОШҚАРМАСИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА (Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театри биносида) 7/VIII да **Келинлар қўзғолони**, 8/VIII да **Парвона**, 9/VIII да **Келинлар қўзғолони.**

КИНО

8 АВГУСТА ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ— Эй, бахтли инсон! (10.00, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Жандарм уйланади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00).

ЕЗГИ БИНОДА

(Соат 20.45, 22.30 да бошланади)

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона— «ФЕСТИВАЛЬ».

9 АВГУСТДА ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Эй, бахтли инсон! (10.00, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона — «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14, 16, 18, 20, 21.30).

Жандарм уйланади — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16, 18, 20.00).

ЕЗГИ БИНОДА

(Соат 20.45, 22.30 да бошланади)

Пятницкий кўчасидаги қовоқхона— «ФЕСТИВАЛЬ».

Фақат иккимиз —«ХИВА».

ДОИМИЙ ИШГА

Промвентиляция ва кондиционлаштириш бўйича юқори малакали инженер ва фреонли совутиш қурилмалари бўйича инженер

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

7 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

17.20 «Учинчи йил — зарбдор йил». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!». Кўрсатувда Украина Компартияси Запорожье область комитетининг биринчи секретари М. Н. Всеволожский иштирок этади. 18.05 «Ник ва жодугар». Мультфильм (ГДР). 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Белугиннинг уйланиши». К. С. Станиславский номли Москва драма театри фильм-спектаклининг премьераси (А. Островский ва Н. Соловьев пьесаси асосида). 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Катта симфоник оркестр билан бир соат». Иваново шаҳрида «Қизил чиннигул» фестивали. 23.25 «Эваралар учун ўрмон». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.40 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Айиқча ва дарёда яшайдиган кимса». Болалар учун мультфильм. 18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Янгра, барабан!» (рус.), 18.55 «Ҳамкорлик йўлидан». «Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг янада мустаҳкамланиши». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 «Ризамат отанинг юзинчи баҳори». Телевизион ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»). 19.40 Телевизион новеллалар театри. Н. Чуковский. «Сўнгги сухбат». 20.30 «Ахборот» информацион программаси 20.50 Ўзбекистон ССР халқ артисти Р. Низомова ва О. Алимахсумов концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга!». «Бир миллион 200 минг тонна «қаҳрабо дон» учун». 22.15 «Катта йўл». Бадиий фильм. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ҳаётга қайтиш». Бадиий фильм. 1-серия. 20.15 Тошкент янгиликлари. 20.35 «Орэра» эфирга чиқади» Телевизион фильм-концерт. 21.25 «Пушкин ҳақида монолог». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.).

8 АВГУСТ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг

«Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.35 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.55 «Робинзон Кузя». Мультфильм. 10.15 А. Островский, Н. Соловьев. «Белугиннинг уйланиши». К. С. Станиславский номли Москва драма театрининг фильм-спектакли. 15.00 Социалистик мамлакатларнинг ҳужжатли фильмлари программаси. 15.50 «Сиз яратган боғ». 16.20 «Езги меҳнат чоғари». 16.50 «Севги — куй». Фильм-концерт.

17.25 В. Крапивин. «Найза тақкан бола». Кўп серияли телевизион спектакль. 1-серия. 18.30 Янгиликлар. 18.45 «Болаларга аталган шеърлар». 19.00 «Телетеатр меҳмонлари қабул қиладн». Ҳинд артистлари ҳиндистон классик куйлари ва рақслари ижрочиларининг чиқиши. 19.45 «Қишлоқ: ишлар ва муаммолар». «КПСС Марказий Комитети июль (1978 й.) Пленуми қарорлари — ҳаётга!» 20.15 «Диалог». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «И. Архипова концертлари». 4-кўрсатув. 22.35 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 23.10 Балет артистларининг концерти. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг

программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 «Сохта ганга». Телеспектакль (рус.). 13.05 Лирик концерт. 14.05 «Катта йўл». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ғаровиб дўст». Болалар учун мультфильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қадрдон ўлка». 18.45 «Новаторлар ижоди — беш йилликка!». Энг яхши ихтиро ва рационализаторлик таклифи учун конкурс (рус.). 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.) 19.30 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. Программада ўзбек классик қўшиқлари. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Музика истиқболининг эгалари». Москва Давлат консерваториясининг студентлари Н. Аҳмедова, Э. Мирқосимова, И. Петрова фортепьяно асарларини ижро этадилар. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Август — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.15 «Батька». Бадиий фильм. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент

области учун программа

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Ҳаётга қайтиш». Бадиий фильм 2-серия. 20.20 «Людмила Сенчина куйлайди». Телевизион фильм-концерт. 20.55 Тошкент янгиликлари. 21.15 «Ленинга хат ёзаяпман». Телевизион ҳужжатли фильм.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

7 АВГУСТ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85 хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 38-81-42.

Р. 07757. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1374.